

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc. 03/30.12.2019.Gr.01.06. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙБЕРГЕНОВ ЯХШИМУРАД ГУЛИМБАЕВИЧ

**ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИНИНГ ЧЎЛЛАШАЁТГАН ҲУДУДЛАРИДАГИ
ГЕОТИЗИМЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

11.00.01 – Табиий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УДК:911.2:572:914.79 (575.172)

**География фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
geographical sciences**

Худайбергенов Яхшимурад Гулимбаевич

Жанубий Оролбўйининг чўллашаётган худудларидаги геотизимларнинг
ўзгаришини тадқиқ қилиш 3

Худайбергенов Яхшимурад Гулимбаевич

Исследование трансформации геосистем опустынивающих территорий
Южного Приаралья 21

Khudaybergenov Yakhshimurad Gulimbayevich

Researching of the transformation of geosystems in the desertifying territories of
the Southern Aral Sea 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc. 03/30.12.2019.Gr.01.06. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙБЕРГЕНОВ ЯХШИМУРАД ГУЛИМБАЕВИЧ

**ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИНИНГ ЧЎЛЛАШАЁТГАН ҲУДУДЛАРИДАГИ
ГЕОТИЗИМЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

11.00.01 – Табиий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Gr57 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ҳамда “Ziyonet” ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Реймов Полат Расбергенович,
география фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Уразбаев Абдукарим Кендирбаевич
география фанлари доктори

Сейтнийзов Кошкарбай Матенович
география фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар
Академияси Сейсмология институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи Dsc. 03/30.12.2019.Gr.01.06. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 9-июль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-12-24, факс: (+99824) 246-53-24; 246-02-24; E-mail: ik-geografiya/nuuz@mail.ru). Ўзбекистон Миллий университети География ва табиий ресурслар факультети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246 67 71.

Диссертация автореферати 2021 йил “28” июнь куни тарқатилди.
(2021 йил “28” июндаги №30 рақамли реестр баённомаси)

Н.И.Сабитова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г.ф.д.,
профессор

Ш.М.Шарипов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
г.ф.н., доцент

З.Н.Тожиева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги 100 дан ортиқ давлатлар арид ўлкаларда жойлашган бўлиб, курғоқчил ерлар сайёрамиз куруқлигининг 30% қисмини эгаллайди ва мазкур ҳудудларда 2 миллиарддан ортиқ одам истиқомат қилмоқда. Чўллашишнинг ҳозирги суръатини ҳисобга олсак, 2025 йилга келиб Ер юзидаги ҳар бешинчи одам чўллашган ҳудудда яшашига тўғри келади. Ушбу муаммоларнинг олдини олиш ва салбий таъсирини камайтиришга халқаро ташкилотлар катта эътибор бермоқда. Жумладан, БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастурининг 15-мақсади “куруқлик экосистемаларини муҳофаза қилиш ва тиклаш, чўллашишга қарши курашиш, экологик вазиятни яхшилаш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш” вазифаларини ечишга қаратилган¹. Мазкур вазифалар, айниқса, чўллашишга қарши курашиш, ерларнинг деградацияга учрашининг олдини олиш, биологик хилма-хилликни асраш ва геотизимларнинг ўзгаришини баҳолаш, прогноз қилиш ва кутилаётган салбий оқибатларнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, жумладан, чўллашишга қарши курашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш, тупроқларнинг деградацияга учрашининг олдини олиш ва бузилган ерларни қайта тиклаш, геотизимларнинг барқарорлигини таъминлаш ва биологик хилма-хилликни асраш, иқлим ўзгариши натижасида юзага келадиган табиий жараёнларни ўрганишга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, геотизимларнинг ҳозирги ҳолатини ва уларнинг ўзгаришини масофадан зондлаш, ГАТ технологиялари, фазовий таҳлил қилиш, карталаштириш, моделлаштириш ва бу орқали геотизимларнинг ўзгаришини баҳолаш ҳамда прогноз қилиш, шу асосда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик вазиятни яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда чўллашиш, ерларнинг шўрланиши ва эрозияга учрашининг олдини олиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16-октябрдаги ПҚ-3975-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Оролбўйи халқаро инновация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорида муҳим вазифалар белгилаб берилган². Бу борада, жумладан, Орол денгизининг қуриган туби жанубий қисми ва Амударё дельтасининг шимолий қисмидаги чўллашаётган геотизимларнинг ўзгаришини аниқлаш ва баҳолаш, Орол денгизининг қуриган тубида фитомелиорация тадбирларини амалга ошириш ва сунъий ўрмонлар барпо

¹ <https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/post-2015/sdg-overview/goal-15.html>

² <https://lex.uz/docs/3994101>. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказини ташкил этиш тўғрисидаги 3975-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

этиш, мазкур ҳудудларда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни яхшилашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30-октябрдаги ПФ-5863-сон “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, ҳамда 2018 йил 16-октябрдаги ПҚ-3975-сон “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Оролбўйи халқаро инновация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги ва 2020 йил 12-февралдаги 4597-сон “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказининг фаолияти самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ- Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15-февралдаги 132-сон “Орол денгизи тубидаги суви қуриган ҳудудларда «яшил қопламалар» химоя ўрмонзорларини барпо этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чўллашиш, геотизимларнинг ўзгариши ва уларни карталаштиришнинг назарий масалалари хорижий олимлардан S.K.Collinge, D.B. Linden Mayer, J.Fischer, K.Lowell, J.Jasiewicz, P.Netzel, T.F.Stepinski, Tang Guo-an, Li Fayuan, R.Yokoyama, M.Shirasawa, R.J.Pike, M.Kassas, S.Zekai кабилар, МДҲ мамлакатлари олимларидан А.Г.Исаченко, В.Н.Сукачев, Б.В.Сочава, В.С.Залетаев, А.Г.Бабаев, Н.М.Новикова, Е.А.Востокова, А.М.Берлянт, В.С.Тикунов, Л.Я.Курочкина, В.И.Кравцова, Л.А.Димеева, А.Н.Золотокрылин, В.В.Вухрер ва бошқаларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган.

Республикамизда Орол ва Оролбўйи геотизимларининг ўзгариши ва чўллашиш жараёнлари А.А.Рафиқов, Б.Жоллыбеков, Н.И.Сабитова, А.К.Уразбаев, Р.М.Раззаков, П.Р.Реймов, Ш.С.Зокиров, Р.А.Ибрагимова, Н.К.Мамутов, М.Б.Аметов, Ж.С.Сапарниязов, К.Ж.Алланазаров, А.К.Курбаниязов, В.А.Рафиқов, А.Н.Нигматов, С.Ж.Абдиреймов, И.Р.Турдимамбетов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Юқорида келтирилган ишларда Орол денгизи қуриган тубининг жанубий қисми ва Амударё дельтасининг шимолий қисмидаги геотизимларнинг шаклланиши, ўзгариб бориши комплекс ўрганилмаган ва ландшафтларнинг ўзгариши ҳақидаги айрим прогнозлари бугунги кунга тўғри келмайди.

Мазкур диссертация тадқиқоти Орол денгизи қуриган тубининг жанубий қисми ва Амударё дельтасининг шимолий қисмидаги геотизимларнинг

ўзгаришини масофадан зондлаш, ГАТ технологиялари ёрдамида баҳолаш ва мониторинг қилишга қаратилганлиги билан юқоридаги ишлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИТД-13-36-“Масофадан зондлаш маълумотларини дешифрлаш асосида Жанубий Оролбўйи ландшафтларини ўзгариш жараёнини оператив карталаштиришни географик ахборот тизимини яратиш” (2003-2005 йй.); №ОТ-Ф6-007-“Шимоли-ғарбий Ўзбекистоннинг эски дельталаридаги экотизимларнинг ўзгариш қонуниятларини ўрганиш” (2007-2011 йй.); №Ф-5-24-“Аридлашиш шароитида шимоли-ғарбий Ўзбекистоннинг эски дельталаридаги экотизимларни ўзгариш динамикасини ўрганиш” (2012-2016 йй.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Орол денгизининг қуриган туби жанубий қисми ва Амударё дельтасининг шимолий қисми чўллашаётган ҳудудларидаги геотизимларнинг ўзгаришини аниқлаш ва баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

геоинформатиканинг замонавий методларини Жанубий Оролбўйи чўллашаётган ҳудудларининг турли муддатдаги ва хиралашган геоэкологик маълумотларини изоҳлашда қўллаш имкониятларини ўрганиш;

жануби-шарқий Устюрт қисмининг кичик нишабликдаги ҳудудлари учун юза оқимини агентга йўналтирилган гидрологик моделини яратиш;

Амударё дельтасининг шимолий қисмидаги чўлланаётган ҳудудларида ўзгарувчан ва беқарор геотизимларни геоинформатик маълумотлар асосида ва геоморфологик таҳлил қилиш методларини реал шароитларга мослаштириш;

Амударё дельтасининг шимолий қисмидаги чўллашаётган ҳудудларида геотизимлар ўзгаришининг географик қонуниятларини аниқлаш, ҳозирги чўллашишнинг ҳар хил типдаги шароитида геотизимларнинг ўзгаришидаги эдафик компонентларнинг аҳамиятини аниқлаш;

Амударё дельтасидаги геотизимларнинг геоботаник хусусиятларини ва ландшафт типлари орасидаги ўтиш жойларининг алоҳида ролини ҳисобга олган ҳолда Жанубий Оролбўйи чўллашаётган ҳудудларидаги геотизимларнинг ўзгаришини карталаштириш асосида ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Орол денгизи қуриган тубининг жанубий қисми ва уларга туташ Амударё дельтаси шимолий қисмининг геотизимлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Орол денгизи қуриган тубининг жанубий қисми ва уларга туташ Амударё дельтаси шимолий қисмидаги геотизимларнинг таркибий хусусиятларидаги ўзгариш даражасини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда комплекс-географик, дала-тадқиқот, масофадан зондлаш, картографик, қиёсий-ландшафтшунослик,

статистик, геоботаник, ГАТ технологиялари, агентга йўналтирилган гидрологик моделлаштириш ва рақамли геоморфонлар усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Орол денгизи қуриган тубининг жанубий қисми ва уларга туташ Амударё дельтаси шимолий қисмининг турли муддатли (мавсум, йил) ва “хиралашган” геоэкологик маълумотлар тўпламларини сифатий ва миқдорий тавсифлашда замонавий геоинформатика методларини қўллаш имкониятлари асосланган;

жануби-шарқий Устюртнинг нишаблиги кичик (0-5°) ҳудудлари учун юза оқимининг агентга йўналтирилган гидрологик модели ишлаб чиқилган;

рақамли геоморфонлар методи ёрдамида Амударё дельтасининг шимолий қисми рельеф шаклларининг кўп ўлчамли геоморфологик коэффициентлар (топографик индекси, ернинг рақамли модели, изогипс)дан фойдаланиш орқали аниқланган ва ўрта масштабли (1:200000) геоморфологик картаси яратилган;

Амударё дельтасининг чўллашаётган шимолий қисмидаги кучли шўрланган беқарор геотизимлар динамикасида гидроген омиллар (ер усти ва ер ости сув оқимлари) тебранишининг роли аниқланган;

гидрологик режимнинг ўзгариши натижасида Жанубий Оролбўйининг чўллашаётган ҳудудларидаги геотизимларнинг ўзгариши (кучли, ўртача, кам, барқарор) аниқланган ва картаси (1:500000 масштабли) яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Жанубий Оролбўйининг чўллашаётган ҳудудларини турли муддатдаги ва хиралашган геоэкологик тўпламларни изоҳлашда замонавий геоинформатика методларини қўллаш бўйича йўриқномаси ишлаб чиқилган;

Устюртнинг жануби-шарқий қисми ва Амударё дельтасининг нишаблиги кичик қисмлари учун юза оқимининг агентга йўналтирилган гидрологик модели ишлаб чиқилган;

Жанубий Оролбўйинг рельефининг рақамли геоморфонлар методи асосида кўп ўлчамли геоморфологик таснифлаш ёрдамида илк бор геоморфологик картаси (1:200000) яратилган;

Жанубий Оролбўйини чўллашаётган ҳудудлари геотизимларининг ўзгариши аниқланган ва ўрта масштабли (1:500000) “Жанубий Оролбўйи геотизимларининг ўзгариши” картаси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация иши натижалари ва хулосаларининг ишончлилиги унда Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси маълумотларидан, Қорақалпоғистон Республикаси Ер ресурслари ва кадастр бошқармаси материалларидан, Қорақалпоғистон Республикаси гидрометеорология хизмати маълумотларидан, муаллифнинг ўзи тўплаган дала тадқиқоти материалларидан, Landsat ETM+, Landsat 8 OLI/TIRS, Modis, Sentinel-2B, SRTM, GLSDEM, космик суратларидан фойдаланилганлиги, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган мавзули карталар, хулосалар, таклиф

ва тавсиялар амалиётга жорий қилинганлиги ва уларнинг тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олинган натижалардан Жанубий Оролбўйи чўллашаётган ҳудудларидаги геотизимларни илмий асосда таснифлаш, уларнинг ўзгариш даражасини аниқлаш ва карталаштириш методикасини такомиллаштиришда фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, унда ишлаб чиқилган асосий хулоса ва тавсиялардан Жанубий Оролбўйи чўллашаётган ҳудудларидаги геотизимларнинг ўзгаришини аниқлаш ва прогнозлашда, ҳудуднинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш ва мониторингини олиб боришда, рельефини ўрганишда, чўллашишга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда Қорақалпоғистон Республикаси Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасида улардан самарали фойдаланишнинг йўлга қўйилганлиги, шунингдек, Устюрт жануби-шарқий қисмининг нишаблиги кичик ҳудудларида агентга йўналтирилган гидрологик моделлаштиришнинг Қорақалпоғистон Республикаси экология ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида йўриқнома ва тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий Оролбўйининг чўллашаётган ҳудудларидаги геотизимларнинг ўзгаришини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

Жанубий Оролбўйининг чўллашаётган ҳудудларини турли муддатли ва хиралашган геоэкологик тўпламларини изоҳлашда замонавий геоинформатика методлари Қорақалпоғистон Республикаси Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасида уларни амалиётда қўллаш бўйича йўриқномани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг 2020 йил 18-февралдаги 167/1-сонли маълумотномаси). Натижада Қорақалпоғистон Республикаси ер кадастрини геоинформацион таъминланишини кенгайтириш имконини берган;

Устюртнинг жануби-шарқий қисми нишаблиги кичик ҳудудларидаги юза оқимининг ишлаб чиқилган агентга йўналтирилган гидрологик модели Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси амалиётида юза оқими сифатини баҳолаш ва мониторингини олиб боришда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2021 йил 29-январдаги №02/18-1-222-сонли маълумотномаси). Натижада Устюртнинг жануби-шарқий қисми юза оқимининг сифатини баҳолаш ва мониторингини олиб боришни такомиллаштириш имконини берган;

янги рақамли геоморфонлар методи ёрдамида яратилган 1:200000 масштабдаги Амударё дельтаси шимолий қисмининг геоморфологик картасидан Қорақалпоғистон Республикаси Ер ресурслари ва давлат кадастри

бошқармасида ҳудуднинг геоморфологиясини аниқлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг 2020 йил 18-февралдаги 167/1-сонли маълумотномаси). Натижада Амударё дельтаси шимолий қисмининг ҳозирги пайтдаги геоморфологиясини тасвирлаш аниқлигини ошириш имконини берган;

Амударё дельтасининг чўллашаётган шимолий қисмидаги кучли шўрланган беқарор геотизимлар динамикасида гидроген омилларнинг аниқланган тебраниш кўрсаткичлари Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси амалиётида Амударё дельтасида юз бераётган шўрланиш ва чўллашишга қарши курашишга қарши тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2021 йил 29-январдаги №02/18-1-222-сонли маълумотномаси). Натижада Амударё дельтасидаги шўрланиш, чўллашишга қарши курашиш чора тадбирлари режасини такомиллаштириш имконини берган;

“Жанубий Оролбўйи геотизимларининг ўзгариши” (1:500000 масштаби) картаси Қорақалпоғистон Республикаси Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасида ҳудуднинг тупроқ-мелиоратив картасини тузишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг 2020 йил 18-февралдаги 167/1-сонли маълумотномаси). Натижада Жанубий Оролбўйининг чўллашаётган ҳудудларидаги геотизимларнинг мелиоратив ҳолатини тезкор баҳолаш, Амударё дельтасидаги кучли шўрланган ҳудудларнинг мониторингини олиб боришни такомиллаштириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 39 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 4 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан, 7 та республика ва 1 та хорижий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган,

олинган натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Жанубий Оролбўйи чўллашаётган ҳудудлари геотизимларини ўрганишнинг ҳозирги ҳолати”** деб номланган биринчи бобида Жанубий Оролбўйи чўллашаётган ҳудудларининг табиий-географик ҳолатини ўрганиш бўйича олиб борилган изланишлар тавсифланган. Ўрганилаётган ҳудуднинг геологик тузилиши, рельефи, ер ости ва ер усти сувлари, иқлими, тупроғи, ўсимлик қоплами ва ҳайвонот оламига оид материаллар таҳлил қилинган, уларнинг геотизимлар ҳақидаги илмий тасаввурларнинг яна такомиллашиб боришидаги аҳамияти кўрсатиб берилган.

Жанубий Оролбўйининг табиий географик хусусиятларини ўрганишга қаратилган тадқиқотларнинг натижалари акс этган илмий маълумотлар кўпроқ табиий география, геоморфология, ботаника, тупроқшунослик каби фанлар соҳаларига тегишли илмий адабиётларда келтирилган. Жумладан, А.А.Рафиқов, Г.Ф.Тетюхин, Б.Жоллыбеков, Н.М.Новикова, А.Бахиев, А.Уразбаев, Ж.Жалгасбаев, А.Курбаниязов, К.Ж.Алланазаров, Ф.Хақимов, В.А.Попов, С.К.Кабулов, А.Н.Нигматов, С.Ж.Абдиреймов, В.А.Рафиқов, П.Р.Реймов, Н.К.Мамутов, Ш.З.Зокиров, Р.А.Ибрагимова ва бошқа олимларнинг илмий ишларини киритиш мумкин. Диссертацияда бевосита Жанубий Оролбўйини чўллашаётган ҳудудларидаги геотизимларнинг ўзгаришини ўрганишда А.А.Рафиқов, Н.М.Новикова, П.Р.Реймов, В.А.Рафиқов, А.К.Курбаниязов, А.К.Уразбаев, К.Ж.Алланазаров, Р.А.Ибрагимова ва бошқаларнинг тадқиқот натижалари методологик асос сифатида олинган.

Диссертациянинг **“Рақамли картографик усулларни қўллаган ҳолда геотизимларнинг ўзгариш динамикасини ўрганиш”** деб номланган иккинчи бобида ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда тадқиқот ҳудудини масофадан зондлаш материалларини қайта ишлаш асосида карталаштириш ишлари амалга оширилган. Мазкур бобда геотизимларнинг беқарорлиги ва уларнинг антропоген омиллар таъсирида ўзгаришлари космик суратларни таснифлаш методи ёрдамида ўрганилган. Жанубий Оролбўйи, айниқса уларнинг чўл ҳудудлари геотизимлари тузилишининг ўзига хос хусусиятлари космик суратларни қиёслаш орқали ўрганилган ва таҳлил қилинган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда космик суратларни автоматик равишда таниб олишда ва уларнинг спекрал тўлқинларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Тадқиқот ишида нормаллашган вегетация индексларининг инфрақизил ва қизил каналлари интенсивлиги ўртасидаги фарқлари ва уларнинг йиғиндисига нисбати ўрганилган:

$$NDVI = \frac{NIR - Red}{NIR + Red}, \quad (1)$$

бу ерда: NDVI-нормаллашган вегетация индекси, NIR-спектрнинг инфрақизилга яқин ва RED-спектрнинг қизил рангда акс этишидир. Формула муаллифи: J.W.Rouse ва бошқалар. (1973). Мазкур формулага биноан ўсимликларни зичлиги қизил ва инфрақизил диапазонларда акс этирилган ёруғлик интенсивлиги ўртасидаги фарққа тенг бўлади, уларнинг интенсивлиги йиғиндисига бўлинади. Тадқиқот ҳудудининг ҳар хил йиллардаги вегетация индекси ишлаб чиқилган ва олинган натижалар асосида ҳудуддаги геотизимларнинг ўзгаришини аниқлаш имконияти яратилган (1-расм).




1-расм. Вегетация индексларининг ажратилиши (максимум куюқ яшил ранг).

Тадқиқотда Жанубий Оролбўйидаги ерларнинг шўрланиш жараёнини, жумладан шўрхоқлар ва чиқинди оқава сувлар майдонининг ортишини мониторинг қилишда масофадан зондлаш методларидан фойдаланиш ёрдамида ўрганилган ва таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра, Жанубий Оролбўйида шўрланиш даражаси анча тезлашган. Масофадан зондлаш методлари асосида тупроқларнинг шўрланиш хусусиятларини карталаштиришда анъанавий ёндашувларга нисбатан қисқа муддатда таҳлил қилинган ва иш маҳсулдорлигини сезиларли даражада оширган (2-расм).

$$SI_{\varepsilon} = \frac{(NIR \times Red)}{Green}, \quad (2)$$

бу ерда: SI_{ε} -шўрланиш индекси, NIR-спектрнинг инфрақизилга яқин, RED-спектрнинг қизил рангдаги ва Green-спектрнинг яшил рангда акс этишидир. Формула муаллифлари: A Dehni ва M.Launis (2012). Яъни бу ерда инфрақизилга яқин ва қизил спектр тўлқинларини яшил спектр тўлқинига тақсимлаш асосида шўрланиш индексини ҳисоблаб чиқариш мумкин.




2-расм. Шўрланиш кўрсаткичларини ажратилиши
(Максимум оқ ва оч жигар ранг).

Диссертацияда масофадан зондлаш маълумотлари асосида 30 йиллик (1990-2019 йй.) даврдаги худуднинг ўзгаришлари ўрганилган ва таҳлил қилинган. Ушбу давр оралиғида шўрланиш жараёни анча тез юз бераётганлигини кўрсатди. Шу ҳолатларни инобатга олиб, тезкор илмий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида Жанубий Оролбўйининг чўллашаётган худудларидаги геотизимларнинг ўзгаришлари геоинформатика методи ёрдамида ўрганилган. Тадқиқот худудининг масофадан зондлаш асосида турли муддатдаги ва хиралашган геоэкологик тўпламлари йиғилди. Тўпланган материалларни ГАТ технологиялари асосида қайта ишлаш натижасида геотизимлардаги ўзгаришларни моделлаштириш ва мураккаб алоқаларни соддалаштириш имкониятлари яратилган. ГАТ технологиялари ёрдамида фазовий моделлаштиришнинг энг муҳим усулларида бири интерполяциядан фойдаланилган. Унда фазовий таҳлил қилиш, табиий жараёнларни тавсифлаш ва моделлаштириш ишлари амалга оширилган. Тадқиқот натижаларидан Жанубий Оролбўйининг чўллашаётган худудларидаги геотизимларнинг геоэкологик шароитини тавсифловчи маълумотларни қисқа вақтда жамлаш, уларни қайта ишлаш ва тезкор қарорлар қабул қилишда фойдаланилган.

Диссертацияда қиёсий-ландшафтшунослик ёндашуви асосида Шимолий Каспийбўйи ва Амударё дельтаси ландшафтларини геоэкологик таҳлили амалга оширилган. Тадқиқот ишларининг кўрсатишича, қиёсий-ландшафтшунослик ёндашуви асосида чўл геотизимларининг барқарорлигини ва уларда юз бераётган салгина ўзгаришларни ҳам космик маълумотлардан фойдаланган ҳолда аниқланган. Антропоген омилларнинг салбий таъсири ва геотизимларнинг замонавий динамикасини қиёслаш нафақат табиатдаги ландшафт генетик қонуниятларни, балки инсонларнинг табиатни бошқаришдаги ўхшашлигини, ландшафт ҳосил қилувчи омилларни ва арид зоналардаги геотизимларни ўрганиш самарадорлиги кўрсатиб

берилган. Мазкур бобнинг якунида Орол экологик инқирозининг ландшафтларга салбий таъсирларини ўрганишга эътибор қаратилган. Бизнинг фикримизча, Орол денгизи қуришининг ҳозирги босқичида геотизимларнинг ўзгаришида геоэкологик шароитнинг тубдан ўзгаришига олиб келади.

Диссертациянинг “**ГАТ технологиялари асосида Жанубий Оролбўйи геотизимларининг ўзгариш жараёнини моделлаштириш**” деб номланган учинчи бобида дастлаб асосий эътибор Устюртнинг жануби-шарқий қисмининг ва Амударё дельтасидаги нишаблиги кичик худудларнинг юза оқимини агентга йўналтирилган моделини тузишга қаратилган бўлиб, бунда NetLogo дастурининг платформасидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш ишлари амалга оширилган (3-расм).



3-расм. Юза оқимининг агентга йўналтирилган гидрологик модели (Устюртнинг жануби-шарқий қисми, Барсакелмес ботиғи ва Қарабаур қирини кўшган ҳолда).


Ушбу бобда асосий эътибор Устюртнинг жануби-шарқий қисмидаги нишаблиги кичик ($0-5^0$) текисликлар учун агентга йўналтирилган гидрологик моделини афзалликларини намоён этишдир. Шунингдек, юза оқимини ўрганиш асосида чўллашишнинг турли босқичларини ва Жанубий Оролбўйининг чўллашаётган қисмларидаги ўсимлик қопламани ўзгариш динамикасини таҳлил қилишда ҳам фойдаланилган. Мазкур методнинг анъанавий гидрологик таҳлил қилиш методларидан ArcView учун Hydrology Analysis Toolbox гидрологик таҳлили ва GIS Whitebox Geospatial Analysis Tools таҳлил воситалари билан таққосланган. Моделлаштиришга база сифатида бир хил рақамли баландлик модели фойдаланилган ва UTM40 умумий проекциясига ўтказилган. Ванга ва Лю алгоритмларидан тадқиқот худудининг рельефини рақамли моделини яратишда фойдаланилган. Шунини

таъкидлаш жоизки, ушбу операцияни амалга оширишда Netlogo дастуридан фойдаланган ҳолда гидрологик таҳлил қилиш амалга оширилган. Устюрт платосини жануби-шарқий қисмининг юза оқимини гидрологик моделлаштириш орқали геотизимларнинг ўзгариш жараёнларини геоэкологик таҳлил қилинган. Жумладан, тузларнинг ҳаракати, Қорабаур қири яқинидаги нишаблик кичик қисмлари учун сув эрозиясининг юзага келиши, ҳудуднинг сув мувозанати, лойқаларни кўчиши, тақирларнинг шаклланиши ва ўсимликларнинг ривожланиши таҳлил қилинган.

Мазкур тадқиқот натижалари яйловлардан фойдаланишни барқарорлигини таъминлашда ва истикболларини белгилаш нуқтаи назаридан жуда муҳимдир. Ҳудуд мавсумий ёғингарчиликнинг нотекис тақсимланиши ва ёмғирлар қисқа муддатли бўлсада кучли оқимларни ҳосил қилиши аниқланган. Лекин текис рельефли жойларнинг оқим графикасида топологик хатоликларни юзага келтириб чиқариши аниқланган.


Диссертацияда Амударё дельтаси шимолий қисмининг рельефини рақамли геоморфонлар методидан фойдаланган ҳолда илк бор ўрганиб чиқилган. Амударё дельтасининг геоморфологик тузилиши, жумладан кичик нишабликлари ва техноген элементлари аниқланган. Мазкур тадқиқотда J.Jasiewicz, P.Netzel, T.F.Stepinski (2013) томонидан ишлаб чиқилган жойнинг топографик хусусиятларини ва рельеф шаклларини тасвирлаш учун геоморфонлар методидан фойдаланилган. Бу методда асосан рельефни аниқлашда жойнинг рақамли модели билан боғланади. Хусусан, рельеф элементларини аниқлаш учун маҳаллий учламчи тузилмаларга (МУТ) асосланган ёндашувдан фойдаланилган. Барча маҳаллий учламчи тузилмаларнинг (МУТ) акс эттириш симметриясининг умумий 498 тури мавжуд. Бу орқали космик суратларда рельефнинг тузилишини аниқ акс эттиради ва визуал идрок этишнинг асосий элементларини ташкил қилади. Геоморфонларни ArcGIS дастури ёрдамида рельефнинг рақамли моделига нисбатан қисқа вақтда қайта ишлаш орқали яратилган. Мазкур метод ёрдамида умумий тан олинган 10 та рельеф элементларидан (1-текислик, 2-тепа, 3-тизма, 4-қирғоқ, 5-тармоқ, 6-чуқурлик, 7-жарлик, 8-нишаблик, 9-водий, 10-ботик) фойдаланиб Амударё дельтасининг шимолий қисмининг геоморфологик картаси яратилган (4-расм). Тадқиқотлар натижасида Амударё дельтасининг шимолий қисмининг топографик индекси, рельефнинг рақамли модели ва изогипслари ишлаб чиқилган.

Диссертацияда Амударё дельтасининг чўллашаётган шимолий қисмларидаги геотизимларни шаклланиши ва ривожланишидаги юз бераётган ўзгаришлар ўрганиб чиқилган. Мазкур тадқиқотда Амударё дельтасидаги шўрланиш ва чўллашишнинг юз бериши эрозия жараёнлари ҳамда қайталанадиган оқимлар билан узвий боғлиқлиги очиб берилган. Геотизимларни ўзгаришида нафақат ер ости сувлари сатҳининг ўзгариши, балки ўсимлик ва тупроқ қопламаниннг ўзгаришларида ҳам намоён бўлади. Ушбу жараёнларни ўрганишда асосий кўрсаткич сифатида тупроқ қоплами хусусиятларидан фойдаланилган.



4-расм. Амударё дельтаси шимолий қисмининг геоморфологик картаси.

Амударё дельтасининг шимолий қисмидаги сувдан қуриган қисмлари (авандельта) ва Орол денгизини қуриган тубининг жанубий қисмлари геотизимлари асосан галоморф ҳолатида бўлиб, бу ерда шўрхоқлар ва қумли жойлар катта ҳудудларни ташкил этади (5-расм).



5-расм. Жанубий Оролбўйи геотизимларининг ўзгариши картаси.


Жанубий Оролбўйи геотизимларининг ўзгариши картасининг шартли белгилари.

	1	Автоморф режимда барқарор ривожланаётган типик зонал геотизимлар.
	2	Қайта тикланаётган гидроморф ёки ярим гидроморф геотизимлар (сунъий кўл тизимлари ва ветландлар) билан барқарорлашган интразонал геотизимлар.
	3	Ўзгарувчан геотизимлар, барқарорлашиш тенденцияси ва автоморфик зонал геотизимларнинг шаклланиши.
	4	Барқарор ва ярим гидроморфдан автоморф босқичга ўзгараётган геотизимлар.
	5	Барқарор ва гидроморф босқичдан ярим гидроморф босқичга ўзгараётган, тупроқнинг юза қопламида тузларнинг тўпланиши, шўрланган тупроқларда юмшоқ ва нам шўр тупроқларнинг ҳосил бўлиши.
	6	Вақти – вақти юза оқимини шаклланишидан намликнинг ўзгариши натижасида шаклланаётган беқарор геотизимлар.
	7	Намликнинг ўзгариши ва ер ости сувлари таъсирида шаклланаётган геотизимлар.
	8	Намликнинг ўзгариши билан ривожланаётган ўзгарган ирригация геотизимлари (агроландшафтлар, эски дельта геотизимлари).
	9	Чўл климаксли геотизимлари.

Мазкур ҳудудларда ер ости сувлари 1,5-2 метр атрофида кузатилган. Табиий жараёнлар таъсирида юз бераётган сув ва туз режимидаги ўзгаришлар туфайли юлғун ва оқбош каби ўсимликлар шаклланган. Шунингдек, фитомелиоратив тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида чўл ўсимликларидан саксовул, юлғун, черкез, селеў, қандим ва кейреук каби ўсимликларни экиш тавсия этилди. Геотизимларда рўй бераётган ўзгаришлар ва уларга антропоген омилларнинг таъсири ўрганилди. Натижада Жанубий Оролбўйининг чўллашаётган ҳудудларидаги геотизимларнинг ўзгаришини баҳолаш бўйича чора-тадбирлар таклиф қилинди.

Диссертацияда Орол денгизини қуриган тубининг жанубий қисмидаги Урга участкасининг табиий географик хусусиятлари (Ажибай урочищеси, Орол денгизини эски Ажибай кўрфазини қуриган туби ва Чинк атрофи участкаси) чуқур ўрганилган. Тадқиқот натижаларига кўра, мазкур ҳудуддаги ландшафтларнинг тузилиши ва ривожланишига Судочье кўлига ташланувчи коллектор-дренаж сувлари салбий таъсирини теккизади. Амударё дельтаси ва Орол денгизини қуриган тубининг жанубий қисмида

ҳар хил типдаги ўсимликлар табиий ўсиши ва ксероморфлашишида антропоген омилларнинг салбий таъсири кучли сезилмоқда. Жумладан, Амударё дельтасидаги коллектор-дренаж тармоқларидан сувларнинг ташланиши натижасида ерларнинг иккиламчи шўрланишига олиб келмоқда. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, коллектор-дренаж сувларини Судочье кўлига ташланиши оқибатида атрофидаги дельта текисликларида намликнинг ортиши кузатилади ва шўрхоклар майдонининг ортишига олиб келади.



6-расм. Урга участкасини антропоген бузилиш картаси.

Тадқиқот натижасига кўра Амударё дельтасининг шимолий қисмидаги ҳудудларда чўллашиш ва тақирлашиш оқибатида галофит ва ксерофит ўсимликларнинг шаклланиши юз бераётганлиги аниқланган. Ҳозирги кунда Орол денгизининг қуриган тубининг Ажибай қўлтиғидаги геотизимларга антропоген омиллар кучли таъсир қилаётганлиги аниқланган. Картада мазкур ҳудудда газ қазиб олиш ишлари амалга оширилиши натижасида геотизимларга антропоген бузилиш таъсири кучли даражада эканлиги кўрсатилган (6-расм).

Орол денгизининг қуриган тубининг жанубий қисми ва Амударё дельтасини шимолий қисмидаги сувдан қуриган қисмидаги текисликлар хилма хил ётқизиклардан иборат бўлиб, асосан енгил ва оғир механик таркибга эга чўкиндилардан таркиб топган. Дарё ўзанлари ўртасидаги текисликларда тақирлар мавжуд бўлиб, бу ерда бир йиллик шўралар, юлғунлар ва қуриган қамишзорлар тарқалган. Тадқиқот натижаларига кўра, келажакда мазкур ҳудудларга мунтазам сув етиб келмаслиги сабабли юз бераётган чўллашиш ва шўрланиш жараёнларининг давом этиши кузатилади.

ХУЛОСА

1. Тадқиқот ҳудудининг турли муддатли ва хиралашган геоэкологик тўпламларни изоҳлашда геоинформатиканинг замонавий методларини кенг миқёсда қўллаш асосида ўрганилди. Жанубий Оролбўйини чўллашаётган ҳудудларини масофадан зондлаш орқали ўрганишда турли фазовий аниқлиги юқори Landsat ETM+, Landsat 8 OLI/TIRS, Modis, Sentinel-2B, SRTM космик суратларидан фойдаланиб ArcGIS дастурларида қайта ишлаш натижасида юқори сифатли геоэкологик натижаларга эришилди. Жанубий Оролбўйининг, жумладан, Амударё дельтасининг шимолий қисмидаги чўллашиш ва шўрланиш жараёнлари юз бераётган ҳудудларнинг рельефи, тупроғи ва ўсимлик дунёси ҳақидаги маълумотлар масофадан зондлаш методи ёрдамида тадқиқ этилди ва маълумотлар базаси яратилди. Мазкур маълумотлар базаси геотизимларнинг ўзгариши ва геоэкологик вазиятини кенг қамровли ва сифатли баҳолаш ҳамда доимий мониторингини олиб боришни таъминлайди;

2. Жанубий Оролбўйининг чўллашаётган ҳудудларини, жумладан, Амударё дельтаси ва шимолий Каспийбўйи геотизимларини комплекс қиёсий-ландшафтшунослик ёндашувини қўллаган ҳолда ўрганилди. Қиёсий-ландшафтшунослик ёндашуви барқарор ландшафтларни ўрганишда ҳам самарали бўлиб, йирик масштабли Sentinel-2B ва SRTM космик суратларидан фойдаланган ҳолда геотизимларда юз бераётган кичик ўзгаришларни ҳам аниқлаш имконини беради;

3. Ер юзасини вегетация, чўллашиш ва шўрланиш индекслари ёрдамида 1:500000 масштабли “Жанубий Оролбўйи геотизимларининг ўзгариши” картаси яратилди. Оролнинг қуриган тубини жанубий қисми ва Амударё дельтасининг шимолий қисмидаги чўллашаётган ҳудудларда фитомелиорация тадбирларини амалга оширишда, жумладан саксовул, юлғун, оқ тикан, селеў, черкез, қандим каби ўсимликларни экиш бўйича тавсиялар берилди. Масофадан зондлаш ва ГАТ технологиясини қўллаган ҳолда Амударё дельтасининг геоботаник хусусиятларини ҳамда уларнинг экотон зоналаридаги ролини ҳисобга олган ҳолда чўллашиш тез юз бераётган геотизимларнинг ўзгариш суратларини кўрсатиб беради;

4. Жануби-шарқий Устюрт платоси, сув эрозиясига учраган дельтани қўйи қисмларининг нишаблиги кичик жойлардаги юза оқимини агентга йўналтирилган гидрологик модели NetLogo ва GAMA махсус дастурий таъминотидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилди. Мазкур метод орқали нишаблиги кичик ҳудудларда юза оқимини мураккаб рельеф шаклларини тасвирлашда анъанавий ҳисоблаш алгоритмлари қийинчилик туғдирадиган ArcView учун Hydrology Analysis Toolbox ва GIS Whitebox Geospatial Analysis Tools дастурлари билан таққослаганда натижаларнинг анча сифатли эканлиги аниқланди. Олинган натижалардан нишаблиги кичик бўлган (0-5°) ҳудудларнинг геоморфологик тузилишига боғлиқ ҳолда юза оқимини шаклланишини аниқлашда фойдаланиш мумкин;

5. Амударё дельтаси шимолий қисмининг мезорельеф элементларини танлаган ҳолда 1:200000 масштабда геоморфологик картаси яратилди. Ушбу геоморфологик карта ёрдамида Амударё дельтаси шимолий қисми рельефининг рақамли таҳлили амалга оширилди. Шунингдек, тупроқ ҳосил бўлишининг геоэкологик асосларини ўрганиш, геотизимлардаги геохимёвий оқимларни тавсифлаш ва чўллашиш натижасида геотизимларнинг ўзгариш жараёнларини мониторинг қилишда ҳам жуда муҳимдир. Мазкур натижалардан ҳудудда геотизимларни таснифлашда геоморфонлар усулидан фойдаланишни, ерларни таснифлаш ва бир-биридан аниқ ажратиш кўрсатиш имконини беради;

6. Дала тадқиқотлари ва масофадан зондлаш орқали чўллашиш ва кучли шўрланиш юз бераётган Амударё дельтасининг сувдан қуриган қисмларидаги гидроген омилларнинг роли ва беқарор ландшафтларнинг ҳозирги пайтдаги динамикасида гидроген омилларнинг аҳамияти ўрганилди. Натижада, Амударё дельтасининг сувдан бўшаган шимолий қисми чўллашаётган жойларидаги геотизимларнинг шаклланиши ҳамма жойда бир хил юз бермаётганлиги ва ер ости сувлари яқин бўлган жойларда фитомелиорация тадбирларини амалга оширишда қийинчилик туғдиради. Сабаби сульфат ва хлоридли тузлар ер юзасига чиқиб, шўрхоқларни шакллантиради. Мазкур тадқиқотлар натижасига кўра Амударё дельтасининг чўллашаётган ҳудудларида саксовул, черкез, қандим каби фитомелиорантларни экиш мақсадга мувофиқ;

7. Амударё дельтасининг шимолий қисмидаги сувдан бўшаган қисмларидаги тупроқларнинг шўрланиши ва чўллашиши натижасида ҳудуд геотизимларининг ўзгариш босқичлари очиқ берилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра Амударё дельтасидаги чўллашиш, тақирлашиш, эол жараёнларининг юз бериши натижасида геотизимларнинг гидроморф → яримгидроморф → автоморф → ксероморф ва галаморф йўналишда ўзгаришини аниқлаш ва келажакдаги ўзгаришини прогнозлаш имконини беради. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, яқин йилларда Амударё дельтасининг шимолий қисмларига мунтазам сув қуйилмаслиги сабабли бу ерлардаги сувдан бўшаган жойларда чўллашиш жараёни давом этади. Натижада, дельтанинг шўрланган қисмларида галофитлар, қумли жойларида эса псаммофитлар шакллана бошлайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.03.30.2019.G.01.06
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНИ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХУДАЙБЕРГЕНОВ ЯХШИМУРАД ГУЛИМБАЕВИЧ

**ИССЛЕДОВАНИЕ ТРАНСФОРМАЦИИ ГЕОСИСТЕМ
ОПУСТЫНИВАЮЩИХСЯ ТЕРРИТОРИЙ ЮЖНОГО ПРИАРАЛЬЯ**

11.00.01 – Физическая география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.2.PhD/Gr57.

Диссертация выполнена в Каракалпакском Государственном университете.

Автореферат диссертации размещён на трёх (узбекский, русский, английский (резюме)) языках на веб-странице Научного совета (www.nuu.uz) и Информационно образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Реймов Полат Расбергенович,
кандидат географических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Уразбаев Абдукарим Кендирбаевич
доктор географических наук

Сейтнийзов Кошкарбай Матенович
кандидат географических наук, доцент

Ведущая организация:

**Институт сейсмологии Академии Наук
Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится «9» июля 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 при Национальный университет Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская ул. дом 4. Тел.: (+99824) 246-53-21. факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24; E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru). Национальный университет Узбекистана факультет География и природных ресурсов.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национальный университет Узбекистана (зарегистрирован за номер № ____). Адрес: 100195, Ташкент, ул. Университетская 4. Национальный университет Узбекистана. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Автореферат диссертации разослан «28» июня 2021 года.
(Ресстр протокола рассылки №30 от «28» июня 2021 года).

Н.И.Сабитова

Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.г.н., профессор

Ш.М.Шарипов

Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней,
к.г.н., доцент

З.Н.Тожиева

Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
учёных степеней, д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы исследования. В мире более 100 стран расположены на аридных территориях, и засушливые земли покрывают 30% поверхности суши нашей планеты и на этой территории проживает более 2 миллиардов человек. С учетом нынешних темпов опустынивания к 2025 году каждый пятый человек на Земле будет жить в пустынной зоне. Международные организации уделяют большое внимание предотвращению и снижению негативных воздействий опустынивания. В частности, 15-ой целью Программы устойчивого развития ООН до 2030 года является «защита и восстановление наземных экосистем, борьба с опустыниванием, улучшение экологической обстановки и смягчение последствий изменения климата»¹. Эти задачи, особенно борьба с опустыниванием, предотвращение деградации земель, сохранение биоразнообразия, оценка изменений геосистем, их прогнозирование и предотвращение ожидаемых негативных последствий имеют важное значение.

Исследования в этом направлении, включая борьбу с опустыниванием и смягчением его последствий, предотвращением деградации почв и восстановлением земель, обеспечение стабильности геосистем и сохранение биоразнообразия, изучением природных процессов, вызванных изменением климата являются приоритетными в мире. А также особое внимание уделяется дистанционному зондированию текущего состояния геосистем и их изменений применяя ГИС технологии, методы пространственного анализа, картографирования, моделирования, оцениваются и прогнозируются изменения в геосистемах, и на этой основе разрабатываются меры по рациональному использованию природных ресурсов и улучшению экологической ситуации.

В республике, при осуществлении реформ, направленных на предотвращение засоления и эрозию почв, а также по рациональному использованию природных ресурсов, достигнуты ощутимые положительные результаты. Важные задачи поставлены в Указе Президента Республики Узбекистан УП - №3975 от 16 октября 2018 года “Об организации Приаральского международного инновационного центра при Президенте Республики Узбекистан”². В этой связи, выявление и оценка опустынивающихся геосистем осушенного дна южной части Аральского моря и северной части дельты Амударьи, проведение фитомелиоративных работ и посадки искусственного леса на осушенном дне Аральского моря, большое значение приобретают научные исследования, направленные на защиту окружающей среды и улучшению экологической ситуации на этих территориях.

¹ <https://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/post-2015/sdg-overview/goal-15.html>

² <https://lex.uz/docs/3994101>. Указ Президента Республики Узбекистан об организации Приаральского международного инновационного центра №3975. Национальная база законодательных документов Республики Узбекистан.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, указанных в Указе Президента Республики Узбекистан от 30 октября 2019 года № ПФ-5863 «Об утверждении Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года», Постановлении Президента Республики Узбекистан «О создании Международного инновационного центра Аральского моря при Президенте Республики Узбекистан» № ПП-3975 от 16 октября 2018 г. и «О дополнительных мерах по повышению эффективности Международного инновационного центра Аральского моря при Президенте Республики Узбекистан» № ПП-4597 от 12 февраля 2020 г., Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 132 «О мерах по ускорению создания «зелёного покрова» защитных лесов в засушливых районах Аральского моря» от 15 февраля 2019 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии V. Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды.

Степень изученности проблемы. Теоретические вопросы опустынивания, изменения геосистем и их картографирование изучали зарубежные ученые. S.K.Collinge, D.B. Linden Mayer, J.Fischer, K.Lowell, J. Jasiewicz, P. Netzel, T.F. Stepinski, Tang Guo-an, Li Fayuan, R. Yokoyama, M. Shlrasawa, R.J. Pike, M.Kassas, S.Zekai, из ученых стран СНГ следует отметить исследования А.Г.Исаченко, В.Н. Сукачева, Б.В. Сочавы, В.С. Залетаева, А.Г.Бабаева, Н.М.Новиковой, Е.А.Востоковой, А.М.Берлянта, В.С.Тикунова, Л.Я.Курочкиной, В.И.Кравцовой, Л.А.Димеева, А.Н. Золотокрылина, В.В.Вухрера и др.

В Республике вопросами изменения геосистем Приаралья, Аральского моря и изучением процессов опустынивания занимались А.А. Рафигов, Б.Жоллыбеков, Н.И.Сабитова, А.К.Уразбаев, Р.М.Раззаков, П.Р.Реймов, Ш.С.Зокиров, Р.А.Ибрагимова, Н.К.Мамутов, М.Б. Аметов, Ж.С. Сапарниязов, К.Ж.Алланазаров, А.К.Курбаниязов, В.А.Рафигов, А.Н.Нигматов, С.Ж.Абдиреймов, И.Р.Турдымамбетов и другие.

В этих работах детально не исследовались формирование и изменение геосистем южной части осушенного дна Аральского моря и в северной части дельты Амударьи, а некоторые прогнозы ландшафтных изменений оказались недостаточно точными.

Настоящая диссертационная работа отличается от вышеперечисленных исследований тем, что для оценки и мониторинга изменений геосистем в южной части осушенного дна Аральского моря и северной части дельты Амударьи были использованы методы дистанционного зондирования и ГИС технологий.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами, выполняемыми высшим образовательным учреждением.

Диссертационное исследование выполнено в рамках реализации проектов Каракалпакского государственного университета ГНТП-13-36-НИР "Создание геоинформационной системы оперативного картографирования процессов трансформации ландшафтов Южного Приаралья на основе дешифрирования данных дистанционного зондирования" (2003-2005 гг.); ОТ-Ф6-007– «Изучение закономерности трансформации постдельтовых экосистем северо-западного Узбекистана» (2007-2011гг.); Ф-5-24-«Исследование динамики трансформирующихся пост-дельтовых экосистем Северо-Западного Узбекистана в условиях аридизации» (2012-2016 гг.).

Целью исследования является определение и оценка трансформации геосистем южной части осушенного дна Аральского моря и северной части дельты Амударьи.

Задачи исследования:

изучить возможности применения современных методов геоинформатики при интерпретации разнопериодных и нечетких геоэкологических данных полученных для опустынивающихся территорий Южного Приаралья;

создание агент-ориентированной гидрологической модели поверхностного стока для слабонаклонных участков юго-восточного Устюрта;

адаптировать методы геоинформатики и геоморфологического анализа для изменчивых и нестабильных геосистем опустынивающихся территорий северной части дельты Амударьи к реальным условиям;

определить географические закономерности изменения состояния геосистем и значение эдафических компонентов в опустынивающихся территориях северной части дельты Амударьи в условиях различных типов современного опустынивания;

с помощью картографирования геосистем, подверженных опустыниванию, изучить их геоботанические особенности с учетом границ между типами ландшафтов дельты Амударьи.

Объектом исследования являются геосистемы южной части осушенного дна Аральского моря и прилегающей к нему северной части дельты Амударьи.

Предметом исследования является определения степени изменения природных свойств геосистем южной части осушенного дна Аральского моря и северной части дельты Амударьи.

Методы исследования. В диссертации используются комплексно-географические и полевые исследования, дистанционное зондирование, картографические, сравнительно-ландшафтоведческие, статистические, геоботанические методы исследований, ГИС технологии, агент-ориентированное гидрологическое моделирование и методы геоморфонов.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

